

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



**1970
йил
ЛЕНИН
ЮБИЛЕЙИ ЙИЛИ**

БИНОКОРЛАР ЗАФАРИ

«Главташкентстрой»га қарашли 11-«Висотстрой» трести бинокорлари юбилей йили дастлабки ойн планини муваффақиятли адо этдилар. Барча кўрсаткичлар бўйича январь ойида мулккаланган ишлар амалга оширилди. Айниқса, В. И. Ленин музейи ва хиббони қурилишида қувонарли натижалар қўлга киритилди.

Трест коллективи мулккаланганидан 73 минг сўм қўп, яъни 1 миллион 260 минг сўмга яқин қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Бу зафарини қўлга киритишда 17-қурилиш бошқармаси коллективининг улуши катта бўлди. Бошқарма қурувчилари трестда биринчи бўлиб январь ойи планини бажарган эдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Қорабоев ҳамда П. Костенко етакчилигидаги комплекс бригадалар фидокорона ишлаб, планини 130—150 процентга етказиб бажаришди.

Пешқадам трест бунёдкорлари январь ойи ичида яна 350 минг сўмлик капитал қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олган эдилар. Бу аҳд ҳам муваффақиятли адо этилди.

ИЛГОР МОНТАЖЧИЛАР

Тошкент 1-уйсозлик комбинатининг 1-монтаж бошқармаси қурувчилари пойтахтнинг «В-14» кварталда 48 хонали турар-жой биносини бунёд этмоқда. Бу ерда айниқса, Анатолий Михайлов бошлиқдаги монтажчилар самарали меҳнат қилишляпти. Бригаданинг Р. Мирзаев, С. Шарип, В. Абрамов каби монтажчилари кундалик топшириқларини 120-130 процентга етказиб бажаришмоқда.

Янги бино яқин кунлар ичида пардозловчилар қўлига топширилади.

Комбинатнинг посёлкаси кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Сўнгги йиллар ичида бу ерда қатор турар-жой, мактаб, бинолари, магазинлар қад ростлади.

Кунин кеча комбинат посёлкасида янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бинони «Главташкентстрой»нинг 3-трести қурувчилари бунёд этишган.

Мактаб 1200 ўқувчига мулккаланган бўлиб, йиллик нармав панелдан қурилган. Уч қаватли корпусдаги ўқувхона ва кабинетлари замонавий, асбоб-жиздорлар билан таъминланган.

БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГЛАРИ, ЛЕНИН НОМЛИ

СОВХОЗ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАР

ЛИК ТАШАББУСЛАРИ КЕНГ ҚАНОТ ЁЙСИН.

ОҲАНГАРОН ГРЭСининг смена мастери Мамадали Боборахмонов ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бормоқда. Унинг сменасида ишлаётган меҳнатсеварлар дохй юбилейи шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажаришляпти. Суратда: ўртоқ М. Боборахмонов.

17- йил чиқиши.

№ 28 (4275).

10

ФЕВРАЛЬ

СЕШАНБА

1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

БЕШЙИЛЛИК ЗАРБДОРИ



ТЕХНИКА ЭКИШГА ТАХТ

Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг меҳнаткорлари улуг доҳиямиз туғилган кунга муносив ишлаб чиқариш ютуқлари билан келишмоқда.

«Ленинча» меҳнат ваҳтасида туриб ишлаётган меҳнаткорлар кўпгина экин атрагларини ҳозирдаги сифатли ремонтдан чиқариб қўйдилар. 166 та трактор ремонтдан чиқарилиди. Шу жумладан 16 та «Белорус» трактори ҳам тартибга келтириб қўйилди.

Меҳнаткорларининг самарали ишлашлари туфайли, — дейди бош инженер ўртоқ Хван, — мавжуд 47 та пахта териш машинасининг ремонтини ҳам тамомланди. Луб поясини аниқталган 86 та машина, шунингдек 23 та чигит аниқдан селла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик техникаси таъбир қилиб қўйилди. Ремонт ишларида К. Деҳқонов, В. Шамсиев, Михаил Ким, Борис Ким ва бошқа ўнлаб меҳнаткорлар гайрат кўрсатиб ишладилар.

А. КИМ.

ЯНГИ КОРПУС

«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг 3 минг кишилик коллективи юбилей йилида бинокорлардан катта соғва олади. Булардан бири В. Маликов номли кўчада ишга тушган 4 қаватли маъмурий бино бўлса, иккинчиси Энгельс номли кўчада қад қўтарайтган ишлаб чиқариш корпусидир.

Айниқса қурилишида 19 кишидан иборат П. Толмачёв бошлиқ пардозловчилар суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар. 2-пардозлаш трести 30-қурилиш бошқармасида долг таратиб келайтган бу бригада аъзолари ойллик планларини 130—140 процентдан адо этиб келмоқдалар. А. Ларин, Л. Байгел, З. Нисозова, Ёшардан У. Раҳматов, Р. Исаев, У. Азимов, Н. Исмоилов ва бошқалар кунлик нормаларини ортиги билан бажариб, коллектив хўрматини қозонмоқдалар.

Юбилей арафасида ишга тушадиган 4 қаватли корпусда ишлаб чиқариш 1,5 баравар ортади.

Биз янги корпусни юбилейга ишга тушириб, уни ўқувчилар билан жиҳозлашга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Янги корпусга ўтган, цехларимизнинг бир ерда бўлишлиғи айрим қўшимча харажатларга барҳам беради, — дейди фирма директори Х. Абдуллаева.

С. СУЛТОНОВ.

БИЗНИНГ АҲДИМИЗ

Каноп қимматли техника эканлигидан ҳисобланади. 11 та луб заводларида ишлаб чиқарилаётган каноп толаси мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг ўнлаб тармоқларига, ҳатто қатор чет эл мамлакатларига етказиб берилляпти.

Тошкент луб тайёрлаш трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига Тезислардан руҳланиб ҳамда Бекобод металлурглари ва Мирзаўл пахтакорларининг улуг доҳиясини 100 йиллик юбилейини муносив кутуб олиш юзасидан бошлаган ташаббусларини бир овоздан маъмулладилар ва анималарига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар.

Коллективимиз 1970 йилнинг

тўрт ойллик планини 22 апрелгача бажаради ва ой охиригача пландагидан ташқари 350 тонна тола ишлаб чиқаради ҳамда 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилади. Катта тола ишлаб чиқарувчи олтига поток динининг монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш ишлари ҳам шу давр ичида тугалланади. 50 га яқин ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилади. Улар оғир жараёнлари меҳангизациялаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Зиммага олдинги мажбуриятда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган бошқа қатор тадбирларни ҳам амалга оширишни назарда тутганмиз.

Трестимизга қарашли барча корхоналарда белгиланган янги марраларни бариқат эгаллаш учун социалистик мусобақа ажи олиб кетди. Қатор коллективлар янги йилнинг дастлабки кунларидан бир меёрда ишламоқдалар ва кунлик топшириқларини ортиги билан адо этмоқдалар.

Биз ишчи-хизматчилар гайрат-шижоати ва ижодий изланишини мажбуриятни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш учун барча чораларни кўрамиз.

А. ФАИЗУЛЛАЕВ,
Тошкент луб тайёрлаш
трестининг бошқарувчиси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент область комсомол комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум область комсомол комитетининг янги составини сайлади.

О. У. Исҳоқов область комсомол комитетининг биринчи секретари, В. Д. Ардастов иккинчи секретари, А. М. Хўжаев, М. Н. Мирзоатова ўртоқлар область комсомол комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

Пленум область комсомол комитетининг ревизия комиссиясини ҳам сайлади. Д. Ҳасанова ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.


ПЛАНДАН ТЛШҚАРИ ГҲШТ

Назарали Нисёзов номли колхоз чорвадорлари бешйилликнинг сўнгги йилини меҳнат зафарлари билан бошлади. Улар 110 бош қорамол ҳамда

99 бош қўчқари бўрдоқига боқиб, 35 тонна ўрнига давлатга 37,5 тонна семиз гўшт топширдилар. Бундай муваффақиятда, айниқса молбоқарлардан Ашир

вой Эргашев ҳамда Нурмат Иўлдошевларнинг ҳиссалари каттадир.

М. БОБОВЕВ,
Янгийўл райони.



Баҳорга пухта ҳозирлик кўраётган Янгийўл районидagi «Ленинизм» колхози деҳқонлари ва меҳнаткорлари шу кунларда барча тайёргарлик ишларини намунали олиб бормоқдалар. Азамат меҳнаткорлар ўзларига қарашли барча техника кўчлари, трактор ва сеякаларини сифатли ремонтдан чиқариб қўйдилар. Бу ишда илгор меҳнаткорлардан ҳисобланган Эргаш Дониёровнинг ҳиссаси катта бўлди. Суратларда: (чапда) Э. Дониёров трактор аппаратини кўздан кечирмоқда. (Ўнгда) трактор паркида ремонтдан чиқарилган техникани кўриб турибсиз.

А. Абалия фотолари.

ТОҒ БАҒРИДАГИ СОВХОЗ

Бултур 4-«Оҳангарон» совхозидa йиллик пландан бажарилмай қолди. Ўшб етиштириш 16 декабргача 42, сут етиштириш 72,7, жуи етиштириш 67,7 процент бажарилиди, холос.

— Хўш, бунга сабаб нима? — сўрадик совхоз директори Давлатовдан.

Сабаб шунки, — дейди у, — совхозини аяратишда ўртоқлар ер масаласига яқин эътибор беришмади. Чорваимиз кўп бўлишига қарамай, бинога сувли ер ниҳолга қам аяратилди. Қорахтой қишлоғида 20 гектар ерда бедамиз ва 110 гектар пичанзор ерими бор. Бу ердан олинган беда ва пичан молларининг 20 процентини ҳам таъминламайди. Чорвани Облиқда кўчирайлик, десак, у ерда жой ҳам, чорва ҳам йўқ. Ҳозир силос билан давлагини Облиқ ва Қорабоддан лўни 50 километр масофадан ташиб беришляпти. Совхозимизда хашак тайёрлаш плани ҳам сомон ҳисобига бажарилмай қолди.

Ҳақиқатан ҳам, совхозда сарф харажатлар кўпайиб кетганидан сут таннарни анча юқори бўлди. Масалан, ўтган йилнинг 9 ойида бир центнер сут етиштириш учун пландаги 17 сўм ўрнига 22 сўм 50 тийин харажат қилинган.

Совхозда меҳнат унумдорлигини ошириб, чорвачиликни ривожлантираётган ва мўл-қўл чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда янгида-янги муваффақиятларни қўлга киритаётган бўлим, бригада, илгор чорвадорлар йўқ эмас. Коммунист ўртоқ Убайдулла Бойсариев бошқараётган 1-бўлим отарларда, сут-товар фермасида бўлганимизда бунинг жойли гувоҳи бўлди.

Бу ерда иш қизгин. Кека сут соғувчиси Тожи Нарпиева ва Умида Қораева паяларини анча ошириб адо этибдилар. Молбоқарлардан Ўринбой Эралиев, Парпи Раҳманов ўртоқлар сизирларга рацион бўйича ўз вақтида озуқа берадилар.

Сигирхоналар доим озода тутилади.

Бойсариев бизни қўчқичлик фермасига бошлади. Бўш чўпон Самад Ўразалиев билан чорва қишлоғига қандай тайёргарлик қўрилгани ҳақида суҳбатлашдик.

— Биз экин қўраларини ўз вақтида ремонтдан чиқарганимиз, — деб гап бошлади у. — Бундан ташқари, иккинчи йили кўра солидик. Ҳар бир кўра ёнига ишга етадиган хашак гарамлаб, емин келтириб қўйдик. Фермадаги 2500 бош соғилқ сунъий қочқилган. Сержун қўйлар ҳам боқилмоқда. Коммунист Музмин Холтўраев пландагидан 512 килограмм кўп жуица 37 бош қўзи олди.

Сотиббодди Аҳмедов, Аблос Ўразалиевлар ҳам қўйлардан жуица ва қўзи олдида яқин натижаларга эришиб, совхоз мунофотига сазовор бўлдилар.

Совхознинг қўчқичлик фермасидagi иш ҳам ёмон эмас. Чўчабоқар ўртоқ Рихард Эмма ҳар бир қўчқани меҳр билан парвариш қилаётир.

— Қўчқачилик, — дейди биз билан суҳбатда ферма бригадери Комил Қамбаров, — сердаромад тармоқ ҳисобланади. Биз йил бошида 80 бош она қўчқадан (унин икки марта туғилиши ҳисобга олиб) 1600 бош қўчқа боласи олишини планлаштирган эдик. План бажарилди. Энди она қўчқа сонини 100 бошта, ҳаммасини эса 2000 бошта етказамиз. Яна 300 бош бўрдоқига боқилаётир. 200 бош биринчи кварталда гўшта топширилади.

Совхоз келажиги порлоқ. Чорвадорлар ҳам, галлакорлар ҳам эртанги кунининг нафаси билан ишлашляпти. Улар ҳўжаликни рентабелли қилиш учун ҳамма имкониятларини ишга солиб, ҳар қачондигидан кўп куч ва гайрат сарфлашляпти.

Т. ИҲЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING XIX СЪЕЗДИ ҲЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

НАНТЕР, 9 февраль. ТАСС мухбирлари А. Краснов билан Р. Серебренников хабар беради.

Франция Коммунистик Партиясининг XIX съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд монополияларга қарши кураш ҳамда ишчилар билан демократия кучларининг илгор демократия ва социализм

учун биргадигда кураш олиб боришлари туғрисидаги масалани муҳокама қилди. Франция Коммунистик партиясининг программасини ҳужжати бўлган тезисларини тасдиқлади. партиянинг раҳбар органларини сайлади.

Съезд В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги туғрисидаги резолюцияни, французларга мурожаатни «Юманите» газетаси туғрисидаги резолюцияни қабул қилди.

Франция Коммунистик партиясининг XIX съездида сайланган Марказий Комитетнинг биринчи пленуми бўлди. Пленум Вальдек Рошени яна Франциянинг Бош секретари қилиб сайлади.

Бош секретарь ўринбосарларига Жарж Марше сайланди.

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариати составига Этьен Факон, Ролан Леруа, Рене Пинке, Андре Вьеге ва Гастон Плисонье ҳам аъзо бўлиб кирдилар.

АЖОНИБ АППАРАТ

ТОКИО, 9 февраль. (ТАСС). Токкиодаги оптик тадқиқот институти қуёш нуруларини тўтиб олиб, оғтиб тўшмайдиган уйларида ўтказиб берадиган аппарат ишлаб чиқди.

Бу аппарат қуёш нуруларини тўтиб олиб, тўплайдиган коллектордан иборат бўлиб, унинг параболли қўзғуси, қуёш нуруларини узатиб берадиган бир неча хил қўзғуларни ва қуёш нуруни хоналар ичига ёйиб беради.

ИТАЛИЯ ХУКУМАТИ ИСТЕҒО БЕРДИ

РИМ, (ТАСС). Италия Министрлар Совети «сўл марказининг» коалицион ҳукуматини қайта тиклашга йўл очиб берди.

МОНОПОЛИЯЛАР ФИРМОИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 7 февраль. (ТАСС). Бразилиядagi Баия шtatининг прокурори Марио Маркес, Америка монополиялари шу штатда олти миллион гектардан кўпроқ ерни гайри қонуний равишда сотиб олганлар, деди.

Маркеснинг «Ултимора» орагазетасида босилган мақолада ерлар сохта ҳужжатлар асосида сотиб олинган, дейилди.



В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙИДАН РЕПОРТАЖ

МУАЗЗАМ ҚАСР

МУЗЕЙ биноси атрофидаги сўнгги ҳавозалар бирин-кетин олинди, муаззам қаср ўзининг бутун салобатини кўрсатди. Қўйди. Пардозловчилар қўйдан чиққан нақшлар панжара тўрт томондан қўшни қамаштирди.

Бинокорлар жуда қисқа муддат ичида гўлт катта ишларни амалга оширишди.

Бу ғўзал, улкан бино бугунги кўнда кўхна Тошкентнинг сўлим маркази ансамблига бус-бутун бўлиб қўшилиб кетди.

Ҳозир Тошкентдаги энг музтаҳкам иншоот — шу музей биноси. Ҳисоблашларича, унинг металл конструкцияларидан ишланган сқелетининг ўзи 1170 тонна келар экан. Бу Ленинграддаги Сарой майдонининг кўрки, жаҳонга машҳур Александр колонналаридан икки баравар оғирроқдир. Бинонинг чор атрофини ўраган мрамар панжара ва гранит тахта-ларини бунга қўшадиган бўлсак, унинг салобати ва музтаҳкам-лигини ҳеч бир иншоотга тақ-қослаб бўлмайди.

Бу ерда 11, 20, 28, 68, 69-қўрилдиш бошқармалари билан ёнма-ён москвалик биродарла-риниз ҳам ишлайптилар. Пой-тахт «Метрострой»нинг 901-поездни йигит ва қизлари бу антика ёдгорлигини кўздан чи-қарганликлари билан хурсандлар. Улар меҳнатининг суръат ва сифати ҳар қанча тахсинга ар-зийди.

Қурувчилар ўз ўринларини бирин-кетин расмоларга, тех-никларга, элентрик инженер-ларга бўшатиб бермоқдалар. Сайқатчилар эртагинини ишчи тамомлашади. Улар амалга оширган ишнинг қанчалик кат-та эканлигини шу нарсадан ҳам билса бўладики, бинонинг умум-ий ҳажми 57 минг кубометр келади. У бўйига 56 метр, энг-

га 50 метр жойини олган. Ба-ландлиги 22,5 метр. Ана шу сатҳнинг ҳар бир сантиметри диққат билан қўздан чиқари-ди. Бу ерда ишлаган турли касб кишилари С. Генералова, А. Ким, С. Саҳобитдинов юби-лей вахтасида бошқаларга ўр-нак бўлишмоқда.


Бино замонавий инженерлик фикри билан халқ меъморчили-ги ва миллий санъатининг ўлмас намуналарини ўзида му-жассамлаштираётганлиги учун ҳам алоҳида диққатга сазовор-дир.

НЕЧА ойдики, ўзбек ама-лий санъатининг моҳир намо-яндаларидан бири, 60 ёшли халқ расмини Маҳмуд Усмо-нов ва унинг ўнлаб шо-ғирдлари бутун қалб меҳрини бериб шу ерда ишламоқдалар.

Бинокор расм Мирмаҳмуд ака бу ноёб касбини отаси Ус-мон Икромовдан ўрганган. Бир вақтлар отаси пойтахтимиз те-атрларини безаб, шон-шухрат қозongan эди. Ота касбини: улутлаб, халқимизнинг бой ме-росини авлодларга етказиш учун курашаётган Маҳмуд ака эса ўша ота мерос диди, но-зик ўймакорлик асбоби билан деворларга гандан гуллар ўймоқда.


— Соғамли доҳиймиз музейи қўрилганда иштирок этиш мен учун катта шараф, — дейди Маҳмуд ака.

Худди шу сўзларни Ўзбекис-тон халқ расмини К. Хайдаров-дан ҳам эшитдик. Бу кишининг доҳийга меҳр-муҳаббат рамзи сифатида ҳади этган чиройли ўзбек хонхатаси ҳамон Горки-даги Ленин хонасида қўшни қувонтириб турибди. Уста ақинда Москвага бориб келди. 1923 йили ишлаган бу бежирим ме-белдан нусха кўчирилди. Ҳо-зир расм музейнинг олд то-монидан ашигини ўйиб ишла-моқда.



СУРАТДА: ўймакорлик бўйича халқ устаси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳмуд Усмонов иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



МУЗЕЙ биноси тайёр бўлди. Ҳозир унинг атрофлари рилмоқда. текислаиб, кўкаламзорлашти-Ф. Лутфуллаев фотоси

ҚАРДОШЛАР СОВҒАСИ

Биз юқорида музей экспози-циясини вужудга келтиришда ўз ҳиссасини қўшаётган шаҳар-ларни эслатганда Будапештнинг ҳам тилга олган эдик. Қардош мамлакатдан Тошкентга экспо-зициялар келди.

Яқинда Тошкент темир йўл бошқармасининг ходими Нозим Аҳмадиевнинг қардош мамлакат чегарасига — Чоп станциясига кўнаб кетди. Дўстларимиз Тошкент музейи учун тайерла-ган нарсаларини шу ерда ва-килимизга топширишди.

Бенгриялик мутахассислар, тасдиқланган эскиз бўйича чи-ройли стендлар тайёрладилар. Дўстларимиз бизга телевизион жиҳозлар ҳам юборишаётир. Умуман, экспозицияларни намо-йиш қилишда телевидение ва кинотехникадан кенг фойда-ланилади. Музейга энг замона-

ий техника жиҳозлари ўрна-тилмоқда. Бу ерда тўрта авто-матик кинопроектор, телевизи-он мониторлар, овозли автома-тик диноскоплардан 20 га яқин, суз билан шарҳлаб тури-лувчи динамик карталардан ўн-таси бўлади.

Москвадаги хужжатли фильмлар марказий студияси музейнинг телевизион система-си учун махсус фильм тайерла-б беришга ерданлашмишмоқ-да. Бу ишда пойтахт киночилари Тошкент музейи ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишламоқ-далар.

Ҳозирроқ Москвадан жуда кўп экспонатлар келди. Доҳий-нинг 9 та скульптураси олиб келинди. Ленин ҳаётиги вақ-тида бронзадан ишланган бу скульптуралар нусхаси музей экспозициялари орасидан ўрин

ренцияси ўтган зал, Лондонда-ги кутубхона, Лениннинг Кремлдаги иш кабинетининг макетлари тайёр бўлди, ҳисоб.

Махмур экспозицияни таъ-сирчан ва кўримли қилиб бе-зашдек нозик ишчи пойтахти-миздаги «Рассом» комбинати коллективи ўз зиммасига олди. Ўртоқ Ярошевский директор бўлган бу корхона музей бур-юртмаларини аъло даражада бахтармоқда.

Тошкентнинг 9 та корхонаси экспозицияни вужудга келти-ришда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўнумладан, Ленин номи элек-тротрап заводидан экспозицион планшетлар тайёрлаб бермоқда. Компрессор заводи бино-ичига ўрнатилган муҳим ус-тановкани қўздан чиқараёт-ир. Ташкентийлашчилар та-рихий «Аврора» крейсирининг макети учун жиҳозлар тайерла-моқдалар. Шунингдек, машҳур Потёмкин броненосеци макети жиҳозлари ҳам шу ерда ишлан-моқда.

Экспонатлар орасида яна бир характерлисига кўзимиз туш-ди. Тошкент шаҳар Совети 1923 йили доҳийни ўзининг фахрий депутати қилиб сайла-ган эди. Ана шу депутатлик гу-воҳномаси ҳам энди музей фондидан жой олди. Уни Ўз-бекистон Компартияси тарихи институти соғға қилди.

ЭКСКУРСОВОДЛАР ИШ УСТИДА

МУЗЕЙ материалларининг кўпи тайин бўлиб қолди. Экс-курсовод лектор бу материал-ларни синчиклаб ўрганиб, улар асосида қизиқарли ҳикоялар тайерламоқдалар. Бўлаёзак му-зейнинг заллари бўйлаб бизга ҳамроҳ бўладиган кишилардан бири илмий ходим Лапас Қо-диров билан суҳбатландик. 8,9, 10-заллар экспозициясини ўр-ганиб чиқиш юкланган. Бу зал-ларда Лениннинг чет элдан ке-лиши, Октябрь революциясига бошчилиқ қилиши, революция қурули ва ҳокимиятининг Со-ветлар қўлига ўтганлиги ҳақи-даги энг ҳаяжонли тарихий экспонатлар бўлади.

1—7 заллардаги экспонатлар-ни эса катта илмий ходим Светлана Эдчибекова ўрганиб чиқмоқда. Бу заллар экспонат-лари Россияда капитализм-нинг тарқибини, Лениннинг болалиги ва ёшлиги, революци-он фаолиятининг бошланиши-дан тортди то 1917 йил апрел-гача бўлган воқеаларни қам-раб олади.

Иккинчи қаватга 11—20 заллар жойланади. Бу заллар бўйлаб бизни катта илмий хо-дим ўртоқ Мосивонова таниш-тиради. Уларда асосан Октябрь революциясидан кейин бутун мамлакатда Советлар ҳокимия-тини музтаҳкамлашдан тортди то ҳозирга қадар амалга оши-рилган ишлар кўз ўнгимиздан ўтади.

Экскурсоводлар Москвадаги марказий В. И. Ленин музейи таърибасидан кўп нарсга ўрга-нишди. Айни чоқда маҳаллий материаллардан кенг фойда-ланган ҳолда Туркистонда Ле-нин гоиларининг тантанаси ҳа-қида кўпроқ тасаввур қолди-рини учун ўз устларидан ишла-моқдалар.

Ҳа, доҳий билан ҳаёлан уч-рашиб, у билан суҳбатлашадиган дамлар узоқ эмас. Музей ходимлари бу кўнларни яқин-лаштириш учун тинимсиз меҳ-нат қилмоқдалар.

С. МУСАЕВ,
З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ПОЙТАХТИМ КЎРКИ

Кўзларим ўзига тортар қўймайин,
Қаршимда бир қаср, олий — муаззам,
Мафтунман, боқаман сира тўймайин,
Меъмор санъатининг тожи мужассам.

Мрамар деворларда жилавар қуёш,
Хар хона чароғон, нур билан тўлуғ,
Бўстон гулларида нақш этмиш наққош,
Нақадар мўътабар, нақадар улут...

Пурвиқор билан қад қўтариб мағрур,
Кўнглимиз уйини обод этди у,
Бахш этиб бир жаҳон ифтихор, гурур
Хар дилин хандон ҳам шод этди у.

Юраклар тўридан қаср олди жой,
Миллионлар оқимин зияратгоҳи,
Пойтахтим кўркига қўшилди чирой,
Унда миллионларнинг ўткир нигоҳи.

Бугун-эртаимиз, бахтли ҳар дамнинг,
Коммунизм асрининг зиясат унда,
Дунёда энг буюк — гений одамнинг,
Башарга меҳрининг гиёси унда.

Бу ерда доҳийдан ёдгор неки бор,
Ўтли курашлардан қилур ҳикоя,
Озод халқ тинч-тотув яшар бахтвёр,
Барчасин бахш этган ленинча гоё.

Бу ерда ўқийман варақлаб китоб,
Доҳийнинг жанговар, доно сўзини,
Жаҳонни ёритиб нисоли офтоб —
Барҳаёт кўраман, бардам ўзини.

У ишлар ва ўйлар нисон бахтини,
Еритар истиқбол йўлини тафаккур,
Мийг ёзса туганмас Ленин мадҳини,
Улут йўлбошчимиз сенга ташаккур.

Юраклар тўридан қаср олди жой,
Миллионлар оқимин зияратгоҳи,
Пойтахтим кўркига қўшилди чирой,
Унда миллионларнинг ўткир нигоҳи.

Усмон ЖОНГИТОВ.



СУРАТЛАРДА: (чапдан) расм М. Воронский, Ш. Фатхуллин ва бош расм А. Коник ҳамда расм Р. Коник музей залларига қўйилган экспонатларни тайёрламоқдалар.

А. АБАЛАН фотолари.

Конференция ишда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари М. М. Мартьянова ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Абдуллаева ўз фикрларини билдиришлари билан тоқтар тоқтар иштирок этдилар.

ярим оролидаги Уюн Муслимонид ва Аш Шаттадан ширинда Исроил қўшинлари ва киллари тупланган жойни бомбардировка қилди.

Шу куниларда юбейд вахтасидеги турар меҳнат қилмаган ферма ҳодимлари йил охиригача бу соҳада биги минг сум соғайда олиб чиқиб, шу соҳанинг мажбурият олди қилмаётгани. Уларнинг бу ақдламини бажаришларига ҳеч қандай таш-шубҳа йўқ.

В. Я. УРИЦКИЙ,
Ўзбекистон ССР зорачилиги
иلىмий-теқшириш институтининг
илимий ходими.

